

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 20 СЎМ



Ҳ. САИДОВ сурати

ОЗОД ЭЛНИНГ БОЛАЛАРИ

Кечагина болаликнинг Бахтиёр дамлари ҳақида айтилган қатор-қатор шиорларни билардик, чиройли битикларга кўзимиз тушарди. «Бахтиёр болалигимиз учун партияга минг раҳмат» дея жўровоз бўлиб такрорлардик. Бироқ бахтнинг нелигини, ғамхўрлик фақатгина шиорлардан иборат эмаслигини тўла англаб етолмасдик ва бунга имкон ҳам йўқ эди.

Мустақиллик деган тушунча онгимиздан анчайин олис эди. Замон шиддати, дилимиздаги ботиний туйғулар биз ҳам мустақил давлат бўлишимиз мумкин эканлигини исботлади.

Фарзандларимизнинг келажаги энди фақат алвон шиорлардагина акс этмайди. Ватан истиқлоли йўлида энди уларнинг ўзлари курашадилар — ўқийдилар, ўртанадилар ва мустақил давлатимизнинг асл эгалари бўлиб яшайдилар. Зеро, келажагимиз бахтига элимиз доимо ҳур ва озод бўлсин.

УШБУ СОНДА:

ДИЛБАР:

ЭРҚАҚ МАРД ВА
МЎРТ БЎЛАДИ

САЛИМ АШУР:

КЎНГИЛДА ЁНГАН ЧИРОҚ



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ЭРКИН АЪЗАМ:

ПАҚАНАНИНГ ОШИҚ КЎНГЛИ
ДИЛШОД САИДМУРОД:

«ГЎРИНГ НУРГА ТЎЛГУР

ДАДАЖОНИСИ»

ЭРИНИНГ ЕЛҚАСИГА МИНГАН ХОТИН

Бунга анча бўлди... Кечкурун ҳаммаси билан ишдан пиёда қайтиб келардик. Йўл-йўлакай бизга бир тўрхалта бозорлик қилиб қайтаётган эски танишларимиздан бири ҳам шерик бўлди. Саломалиқдан сўнг пича ўпкагина ҳам қилиб олдик: «Нега келин, болаларни олиб бизни кинга келмайсизлар, ё биздан хафамисизлар? Бу дунёда одам одамга ғанимат, дийдорлашиб, гурунглашиб турарайки!». Гап билан бўлиб биродаримиз истиқомат қиладиган уйнинг олдига келиб қолибмиз. Чунки бизнинг йўлимиз ҳам шу ердан ўтарди. Кўп қават уйнинг олдига бирпас оёқда туриб, гурунгимизнинг қолганини давом эттира бошладик.

«Мана ўз оёқларингиз билан уйимизнинг олдига ҳам

келдингизлар. Агар бир пиёладан чой ичиб кетмасангизлар, қаттиқ хафа бўламан!» дея ичкари киришга астойдил даъват қиларди танишимиз. Биз эса: «Худо хоҳласа, бошқа сафар бафуржа келармиз», дея ишимиз жуда зарурлигини рўқач қилиб турган пайтимиз... Баногоҳ баланддаги қаватдан бир уйнинг деразаси шарақлаб очилиб, турки совуқ бир аёл бошини чиқарди ва таҳдидли, ҳам кинояли оҳангда чақириб қолди.

— Қурбанов, пастда нима қиялсан! Буёққа кел, идиш-товоқни юв! Селий ден лақиллаб юради, юради-да, уйда тайин бир иш қилмайди. Ешб, эрмиш!.. Нима уйнинг ҳамма ишини мен қилишим керакми? Менгаям тиним борми-йўқми?

Дарвоқе, биз билмасканмиз. Танишимизни аёли шарифи билан чақираркан. Чамаси, ишлайдиган идорасида замонавий зиёлилар кўп бўлса керак.

...Бечора танишимизнинг ранги бироз ўнгди, нимадир демоқчи бўлди: ким билади, хотинига бироз ачитиброқ гапирмоқчи бўлдими, ким билади... Сўнгра хотинига қараб: «Ҳозир дедим-ку, сизга, ҳозир, одамни нега бунча шошилтирасиз!.. «Танишимизнинг овозидаги ёлвориб ва мутелик оҳанги бизни ўртаб юборди.

Ҳаммаси билан кета-кетгунча бошқа гаплашадик. Зотан, гаплашадиган гапнинг ўзи йўқ эди...

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ



МЕН СИЗНИ СЕВАМАН, БОЛАЛАР,
МЕН СИЗНИ СЕВАМАН, ДАЛАЛАР...

А. ТУРАЕВ сурати

ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ

«Ассалому алайкум» деган сўз қанчалар жозибали, жарангли. Бу сўз замирида қатта маъно ётибди. Салом ҳам қарз, ҳам фарз!

Мени қалам олиб ёзишга ундаган нарса Урол Узбекнинг «Ассалому алайкум» азоби мақолалидир. Ҳар ҳолда Урол ака қатта шаҳарга келиб алик олишни унутма-ёзибди, шекилли? Чунки кишлоқ жойларда таниган-танимаганга салом беришни ота-она, тарбиячи, ўқитувчилар ўргатишади-ку?

Эсимда, болаллигимизда онам «Ҳаммага салом беринглар, ўзларингиздан қаттароқ кишиларнинг олдини кесиб ўтманглар» — деб қўлоғимизга қўярди. Синглим Нозигул кенжа бўлгани учунми жуда шаддод эди. Шўхлиги укамникидан ҳам ошиб турарди. Бир куни йўл ёқасига ўтирволиб, бир қўлимизни тўпироққа тикиб «хаммопиш» ўйнаётгандик. Инобат опам-

нинг муаллими ўтиб қолди. Утирган жойимизда салом бердик. У алик олмасдан йўлида давом этди. Нозигул ўрнидан тўриб қўлини қоқди-да орқасидан борди.

— Ассалом, ассалом!
Муаллим изза бўлиб алик олгач, у изига қайтди.

Бу синглимнинг биринчи маротаба қилаётган, иши эмас. Ҳар куни шу. Ким алик олмаса шундай қиларди. Ҳозир эса жияним Гўлҳаё — Нозигулнинг ёшлиги. Уйга бирор киши келдими, дик этиб турадида ширин тили билан қўлини кўксига қўйиб «Ашшалоуму алайкум» дейди.

Гоҳида иш юзасидан бирор жойга телефон қиламан.

— Алло, «приёмный эшитгади» ёки, «алло, да эшитаман» деган қўлоқ сўзларни кўп эшитаман. Бу сўзларнинг ўрнига «лаббай» деса бўлмасмикин? Каттароқ кишининг овозини эшитгач, салом

берса. Бу кўпроқ хотиба қизларимизга тегишли. Ҳар ҳолда менинг бу гапларим майда гапга ўхшаб кўринар, балки кимларгадир ёқмас. Лекин мен бироз муддат котибалик вазифадан келиб чиқиб, шу нарсага амин бўлдимки, «салом» деган сўз қудратли сўз экан. Қашқадарёдан, Намангандан, Сирдарёдан, Фарғонадан жуда кўп мухлисларимиз кўнгирак қилишади. Гўшакини кўтариб салом берсан «Хайрият салом берадиган котибалар ҳам бор экан, аввало ассалому алайкум деганингиз учун раҳмат» дейишади. Бу гаплар билан ўзимни мақтамоқчи эмасман. Зеро, «Олтин олма, олқиш ол», деган ақидани эшитгандирсиз. Кўпчиликнинг дуосига не етсин.

Хонбуви ҲИММАТ қизи

Етти кун

ТҶМАРИСНИНГ ҚИЗИМИ!

Эркалардан ҳам полвонлар кам чиқаётган бир пайтда аёл полвон ҳақида гапириб осмондан чалпақ қутишга ўхшайди. Лекин... лекин ўзбек қизи Дилором Саидованинг «Запарожец»дан тортиб «Газ-24»гача кўтариш машқларини ўз кўзингиз билан кўришни истасангиз собиқ «Тельман» боғига ташриф буюринг.

ШАҲРИСАБЗДА ИНСТИТУТ

Амир Темур юрти шаҳри Кешда ниҳоят катта таълимгоҳ — Кимё-технология институти очилди. Энди «Яшил шаҳар»дан бугуннинг уста монийлари, муҳандислар, менеджерлар, кимёгарлар етишиб чиқса, эски «Оқсарой» тикланиб, янги-янги оқсаройлар қурилади, деб умид қиламиз.

КУЁВНИНГ ОТА — ЖҶРАЛАРИ

«Муштум» журналининг ходими Азимбек Усмон уйланди. Дўст-ёрлар ниҳоят, ниҳоят... деб томоқлари тақиллаб базм дастурхонига ташриф буюришди. Ноз-неъматлару, тошкент сув, шарбатлар билан яшнаб турган дастурхонга қараб туриб, дўстларнинг туси бироз ўзгарди. Лекин базм авжига чиқиб дил қўлфи очилиб кетди. Улар ичкиликсиз ҳам тўйини қизитса бўларкан-а, деб ҳайратланиб қайтишди.

Дарвоқе, куёвтура Азимбек шажараси шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Ферузга бориб тақалади.

СҶЛИМ ГҶШАДАГИ «УЛИМ»

Қашқадарё ички ишлар бошқармаси «Қорадори-93» қидирув оператсиясини ўтказмоқда. Яқинда бу гуруҳ вилоятнинг сўлим Қалқам ва Ҳисор тоғлари ёнбағри (Китоб ва Чироқчи тумани)даги 13 гектар майдонни «ишғол қилган» наша ўсимлигини топишди. Насл кўшандаси йўқ қилиниб, жиноятчилар жазога тортилди.

ЭРУ-ХОТИН ҚҶШ ...МИ!

Ҷузор туманида 37 та жиноят қилган гуруҳ қўлга олинди, деб хабар беради Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Матбуот маркази бошлиғи Урол Ҳайдаров. Уғриларнинг бирининг уйдан ўмарилган гилаллар олинаётган пайтда унинг турмуш ўртоғи мелисаларга: «Ҳеч бўлмаса биттасини ташлаб кетинглар», деб тирмашади.

Қизик, эру хотин қўш ўғримикин!

КУЁН БҶЛМАНГ

Олой бозорига қатновчи 7-троллейбусга чиққан мухбиримизни ҳайрон қолдирган нарса: троллейбус ичкарисига «йўл ҳақини тўламаганлар учун 60 сўм жарима солинади» деган сўз эмас...

Балки юғуриб бораётган куённинг сурати чизилиб, ёнига 60 рубл деб ёзиб қўйилгани бўлди.

Ўз мухбирларимиз хабарлари асосида таёрланди

«ЭРИНМАГАН ОДАМ»

Водилда Мардон ака деган одам бор. Бу одам ҳақида қийоғи воқеаларни эслашади. Мана шулардан бири:

Мардон ака урушдан олдин най ва доира чалган. Тўй-базмларни қизитган йигитлардан бири бўлган. Косаби навбат. Навбати келиб урушга кетади ва эсон-омон қирқ олтинчи йили қайтиб келади. Уруш — урушда, из қолдирмай кўярмиди. Дайди ўқ юқори лабини бир қисмини йиртиб кетган экан. Уша ерга гўшт битмай келтиб бўлиб қолган. Келганидан кейин яна найни қўлига олади. Худонинг қудратини қарангки, най пуфлайдиган ерга келтиб тўғри келиб қолиб яна бемалол чалавериби.

Водил кишлоғи қўшни Қирғизстоннинг Қадамжой райони билан ёнма-ён жойлашган. Бир сойдан сув ичиб, қиз олиб, қиз бериб, қуда-анда бўлиб кетганмиз. Шундай қудачилик тўйлардан бирида Мардон ака най чалибди. Бир-иккита, ёшлигидан тоғларда қўпонлик қилиб пастга кам тушган қирғиз йигитлар Мардон аканинг най чалаётганини кўриб бир-бирига қараб:

— Эринмагани қара, шу нарсани чаламан деб лабини қирқтирибди-я,— дермиш.

Турсун Али МУҶАММАД
водиллик полвон



Ориф ТУХТАШЕВ

МУШУКВОЙ

— Тугилганинга ўзи,
Уч кун, тўрт кун бўлди-ёв.
Сени қара уялмай,
Қўйиб олибсан мўйлов. —
Деди мушукчасига,
Пилдираб жажжи Голиб.
Ҳозир-чи қайчи билан,
Ташлайман ўзим олиб.
«Ишни ўйлаб қил» деган,
Халқимизда бор мақол.
Индамаса, сен азгар,
Қўйиб оласан соқол.

ТИЛИ ЙЎҚМИДИ!

Дугонасига Гули,
— Баҳром укамнинг тили,
Чикди, — дея мақтанди.
Ўртоғи ҳайрон бўлиб,
Гулига деди қулиб:
— Аввал тили йўқмиди?!

**ҲАНДАСА
ДАРСИДА**

Ўқитувчи доскага,
Чиқариб Шоирани.
Дер, — қанақа бўлади,
Чизгин-чи, доирани?
У-чи доскага чиқиб,
Дарсин роса қизитди.
Доирани чиз деса,
Чилдирмани чизибди!

ФАРҚ.

— Бақа ва қурбақанинг,
Фарқи нимада Суюн?
— Муаллим, қурбақанинг,
Айтилиши сал қийин!

УЙҚУ

Одил койиб Муқимни,
Дер,— қочирдинг уйқумни.
Муқим дейди, — акажон,
Хафа бўлманг, ҳеч қачон!
Келар-да, у ғаламис,
Барибир тутволамиз!!!

ОРИФ билан МУҲАББАТ қадимий Самарқанд вилоятидан. Ориф бу йил ўрта мактабни тугатди. Сиз унинг шеърларини республикамизнинг кўплаб газет-журналларида ўқигансиз. У Самарқанд вилоят Ешлар Иттифоқи мукофотининг совриндори.
Муҳаббат Самарқанд Давлат университетининг филология факультети толибаси.



Муҳаббат ТУХТАШЕВА

ҚИЗИМ МАДИНАГА

Қизалоғим, кўзунчоғим,
Кўзи сузик кўғирчоғим.
Ширин-ширин қилиқларинг
Овунчоғим, овунчоғим.
Айланаётин бўйларингдан,
Кел ушлайин қўлларингдан,
Сугурайлик тиконларни
Йўлларингдан, йўлларингдан.
Омон бўлгин, армон бўлма,
Шодон юргин, хазон бўлма.
Қулиб боқиб дунёларга
Ёмон бўлма, ёмон бўлма.
Қизалоғим, кўзунчоғим...

НОДИРА СЎЗИ

Нодирани даврон деманг, сиртмоқ атанг,
Дорилфано яқосини йиртмоқ атанг,
Шеър деб, эрк деб йиғлаб-йиғлаб кетмоқ атанг,
Бу кун менинг кўзда ёшим — жолаларим,
Сўзи, ўзи эрки — Турон болаларим.
Сиртмоқларда сирқираган жон ўлмади,
Ва лек ўзим йўқман, бироқ шон ўлмади,
Салтанат ҳам жонга қалқон бўлмади,
Бу кун менинг кўзда ёшим — жолаларим,
Сўзи, ўзи эрки — Турон болаларим.
«Анал — ҳақ»нинг адолари — сўзлар чўкди,
Насруллонинг нарониди кўзлар чўкди,
Эрк деб куйган қора-қура қизлар чўкди,
Бу кун менинг кўзда ёшим — жолаларим,
Сўзи, ўзи эрки — Турон болаларим.
Пешонаси ярқираган армон тутдим,
Шамоллари шарқираган замон кутдим,
Нодираи даврон бўлиб, даврон кутдим,
Бу кун менинг кўзда ёшим — жолаларим,
Сўзи, ўзи эрки — Турон болаларим.
Шахсуворим бу дунёни хуш деб кетди,
Искандар шоҳ қўлларини бўш деб кетди,
Ҳақ деб келган бунда мудом мушт еб кетди,
Бу кун менинг кўзда ёшим — жолаларим,
Сўзи, ўзи эрки — Турон болаларим.
Аминимни ардоқ билан елкаладим,
Набирани сўйиб — сўйиб эркаладим,
Наҳот сўнг бор дор остига етакладим,
Бу кун менинг кўзда ёшим — жолаларим,
Сўзи, ўзи эрки — Турон болаларим.
Армонларим — ушалмаган орзум қолди,
Бўғзимга дор бўлиб ботган арзим қолди,
Ёзмоқ бўлган ғазалларим қарзим қолди,
Бу кун менинг кўзда ёшим — жолаларим,
Нодирани даврон деманг болаларим.

**СУПУРГИ ВА ЧАНГНИНГ
СУҲБАТИ.**

СУПУРГИ:

— Ўшндан унча кетма,
Етаверма йўлимда.
Яна олдимда кўрсам,
Сенга жазо ўлим-да!

ЧАНГ:

— На мунча дўқ қиласан,
Не қилардинг бақириб?
Агар мен бўлмасам,
Сен кетардинг ёқилиб.

БОЛА ВА ЧУМОЛИ.

— Эҳ, чумоли, митти жон,
Ўғирлайсан нечун дон?
Гоҳ елканга ортасан,
Бор кучинг-ла, тортасан.
Ақалли бир бошоқни
Кўтаролмай уддалаб.
Жонингга тоза теккач,
Сўнг судрайсан битталаб.
Ишлашинга тан бердим,
Билмаскансан тинимни.
Ўзим ташиб берардим,
Кўрсатворсанг ичингни.

**ГОНЗИК ОЛИБ
КЕЛГАН ДОРИ**

[чех эртаги]

Бир аёлнинг икки ўғли бор экан. Бирининг оти Тоник бўлиб, иккинчиси ўгай экан. Ўгай болани Гонзик деб чақирар эканлар. Ўгай она юмуш буюрариб, уни бир зум ҳам тинч қўймас экан. Эркатой Тоник бўлса умуман меҳнат қилмас экан. Кунлардан бир кунни ўгай она ўз ўғлини ўрмонга ўтин олиб келишга юбормоқчи бўлибди.

— Боролмайман, касалман,— дебди Тоник ёлгондакам инқиллаб. Бундан ваҳимага тушган она дарҳол Гонзикни чақирибди-да;— Тезда дорихонага бориб, Тоникка дори олиб кел!— дебди.

Гонзик акасининг айёрлик қилётганини билгани учун ҳам истар-истамас йўлга тушибди.

— Югур, чоп!— бақирибди ўгай она унинг орқасидан. Гонзик югура бошлабди. У шу қадар тез чопибдики, оқибатда ўзини тўхтата олмай дорихонага кириб кетибди ва у ердаги дори солинган шисаларнинг устига йиқилиб тушибди. Бунни кўрган дорихоначининг росаям жаҳли чиқибди. Гонзик унга акиси бетоб эканини, бу ерга дори излаб келганини айтибди.

— Ҳали сенга дори керакми!— дебди дорихоначи ва уни ёқасидан ушлаб олибди. Бурчакда турган таёқча билан бошлаб икки марта урибди-да:— Ма, ол дорингни, ма, ол дорингни!— дея бақирибди. Гонзик унинг қўлидан зўрға қочиб қутулибди.

— Дори қани? Тезроқ бер!— дебди ўгай она уни кўриши билан.

— Бу доридан Тоникнинг аҳволи баттар оғирлашиб қолмаса деб кўркаман,— дебди Гонзик.

— Кўп валдирайверма,— қичқирибди ўгай она,— Қани, тезроқ дорини бер!

Шунда Гонзик қўлига таёқча олибди-да, Тоникни елкасига икки марта тушириб:— Ма, ол дорингни, ма, ол дорингни!— дебди.

Тоник қаравотдан устига қайноқ сув тўкилиб кетгандек сапчиб турибди-ю, ташқарига қочибди. Гонзик онасига қараб:

— Мана кўрдингизми, ойижон. Тоник соғайди. Мен олиб келган дори унга яхши таъсир қилди,— дебди.

А. АКБАР таржимаси

БОЛА БОЛА-ДА!

ДУРАНГ

Меҳмонга келган оғайним ўғлимиз билан роса йўнчоқ ўйнади. Ўйиннинг авжиди эса тўппончани синдириб қўйди-ю унинг синиқларини кўрпача остига яшириб, болани бошқа гаплар билан чалғитди.
Оғайним ҳафта-ўн кун ўтиб яна келганида «муносиб» кутиб олинди:
— Кетинг. Кеча нимада писталетимди синдирувдуйиз...

ЖАЗО

Ишдан келсам, аёлим қўшини хотин билан ғижиллашиб қолган экан. Оқатлабни бўлгунимча қўшинга «бағишланган» бир соатлик ғийбат тасмасини тинглашга тўғри келди.
Ҳар галгидек кечқурун ўйнагани кирган дугонасини беш яшар қизимиз уйдан ҳайдаб чиқарди:
— Бор, санминан ўйнамайман. Ойинг сўрашишни билмайди-ку. Қалидорди бир мартаям ювмаган...

НАТИЖА

Болаларимизни ёлгон гапирмасликка ўргатиш учун эр-хотин роса туширтганмиз. Ҳатто ёлгон гапирмасликнинг тилларинг тушиб қолади, деб қўрқитишгача бордик.
Бемаҳалда қўшини ароқ сўраб чиққанди. Қўшиндан ароқ қайтариб олишининг маҳоллигини билганим учун ўсмончиладим:
— Йўқ эди-я, қўшини. Бўлганда жоним билан...
Эшикни ёпиб ичкари кирсам, ўғлимиз қизим пойлаб туришибди:
— Ада, оғзйишди кўрсатинг-чи!..

ШОИР МОТИ

Қутлуғ рамазон кунларининг бирида шоир дўстимиз йўқлаб келди.
Шоир зотида, энди дуо кетган-да! Бариси ганга ўқиган бўлади. Бир зумда инжиқ ўғилчамиз билан ҳам эш бўлиб кетди.

Икки яшар ўғлимиз шоирнинг бўйинбоғини тортиб кўрар экан (болаларга янгилик-да энди, биз тақмай-миз!), савол ташлади:
— Бу нима, амати?
— Инакди жипи!

Бола ҳеч вақо тушунмади.
Шоир зукколик билан бадиий тилга «таржамаси» қилди:

— Сигирни арқони. Бўйиб ушлайсан-да, етаклаб юрасан.
— Амати, сизам сизиймисиз?
Шоир ўзини зийтмаганга олади. Қизарди, бўзарди. Туйқус рўзадорлигини унутиб, дастурхонга қўл узатди.

ЙУЛИНИ ТОПДИ

Боғчадан безиб қолган ўғлимни икки кун йиғлагиб элтиб қўйгандим. Бугун ҳам йиғлажсираб турди-ю, деди:
— Ада, сиз ўғлим бўлинг?
— Ҳўп бўлади, ада!
Шу заҳоти «адамиз» бизни жеркий бошладилар:
— Баткишини кий. Сани-чи боғча ташайман-да, ўзим ишка кетама-ан!..

СУҲБАТ

— Ада, ишдан нима олиб келдий?
— Ўзимни зўра олиб келдим-ку!
— «Кетка»си биланми?..
— !!!

Ғулом МИРЗО

ҲАҚИҚАТ ОТАШИ

I ФАСЛ

Тасаввуф таълимоти шу қадар улкан дарахтки, унинг юзлаб шоҳчалари, яъни тариқат мактаблари мавжуд, ҳар бир шоҳда минг-минглаб япроқлар ва ҳар бир япроқда бир олам жам.

Тасавуфни Орифлар: ул илм эрмас, ўқиб ўрганиш ила киши комил бўлмас, ул русм ҳам эмаски, бажо келтириш ила камолотга эришиб бўлмас, дейдилар. Демак, суфийлик қалб-бан ҳис қилиниб бутун вужудга сингдириш орқалигина эришиладин тарикатдир.

Борлиқдаги барча тирик мавжуднинг бошланғич шажараси мавжуд, датто инсон танасининг ҳам. Фаробий: «Қалб инсон танаси аъзолари ичида бошланғичидир, — қалбнинг илк ёрдамчиси мия, қалб ўзида пайдо бўлган сезини аввал мияга узатади, мия эса ўз навбатида бошқа аъзоларга етказиши» — дейди. Демак, инсон феъл-атворининг шаклланишида қалбнинг бевосита алоқаси бор, Фаробийнинг фикри ҳам буни тасдиқлапти. Одамлар орасида «қалби қора», «қалби тоза» каби иборалар юради, бу аслида одамнинг хулқи-атвориға берилган баҳо. Инсоннинг бошқарув аъзоси қалб, барча фазилат ва иллатнинг бошланиши ундан. Сўфийликда ҳам қалбни поклаш асосий амаллардан ҳисобланади. Мавлавия тариқати султони Жалолиддин Румий: Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил, дейди. Хўш, Румий нима демоқчи, биз Оллоҳ яратган табиий кўзимиз билан ҳалолни ҳаромдан, сувни ўтдан, тупроқни чириндидан ва шунга ўхшаш нарсаларни бир-бирдан ажратишда фойдаланамиз, бироқ энг майда заррадан тортиб, энг улкан мавжудотгача ботиний мўъжиза ҳам борки, оддий кўз билан кўриб бўлмайди, уни кўнгил кўзи билан кўриш, сезиш, ҳис қилиш мумкин. Румий: Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил, деркан; эй банд, дунёга келдинг оламини кўрддинг, дунёдан кетаринг бор, унинг мўъжиза-

засини ҳам кўриб кетгинда, демоқчи эмасми!

Еки куйидаги рубойига эътибор берайлик:

**Аё япроқ, нечук бундоқ қутулдинг банди зиндондин,
Аён этгил, аён биз ҳам қутулсак бир йўла ондин.
Аё сарв, сарбаландирсан сирингни сўйла инсонга,
Аён этгилки, биз ҳам буй чўзайлик буржи осмонга.**
(Румийдан Жамол Камол) таржимаси)

Демак, буржи осмонга буй чўзмоқ учун пиндиқ ёриб банди зиндондан қутулган сарв япроғидек инсон ҳам ўз қобиғидан чиқмоғи керак. Инсон қобиғида пайти тўрга тушган балиқдек гап, у қанча ҳаракат қилмасин бир ҳовуч сувнигина уммон деб англайди. Инсонни ўраб турган оламини англашига изн бермаётган қобиғи — турмушнинг майда ташвишлари, сохта муҳтожлик ва нафс балоси. Аслида, ортиқча латта-путтага, ортиқча тўки-сочинга, мансаб курсига муҳтожми? Ахир булар инсоннинг маънавий камолотга эришувиға қафил бўлолмайди-ку! Аксинча, кўнгил кўзига парда тортувчи, кўр қилувчи ҳам сохта муҳтожликдир. Инсон қачонки, ўз қобиғидан ажраб, оламини ботиний кўз билан кўра бошлар экан, у аввал ўзини англайди, яъни Оллоҳ Одам атони яратаётганида: мен ўзимга халифа яратяпман, деганини англайди. Узини англаган Оллоҳни англайди, Оллоҳни англаган ботиний мўъжизаларни англайди ва кўради.

Тасаввуфнинг биринчи мақоми ва қолган барча мақомларни боғлаб тургувчи ишқдир. Ишқ мақомини бошлаб бериш билан сўфийликка асос солган аёл Робия ал-Адавийадир, бу ҳақда тарихий манбааларда етарлича маълумот бор. Робия тунлари фалакка қараб ўз орзу-армонларини, дарду-аламларини гоҳ ошқора, гоҳ

яширин нола қилиб айтиш билан кўнгилга таскин топаркан, балки тасаввуфдаги хуфия ва ошқора зикрга ҳам шу асос бўлгандир, бора-бора бу аёл шу даражага етишадикки, эндиликда илоҳий олам билан мулоқотга киришадди. Ишқ мақоми таваб мақомиға бир қадар ўхшашдир: донолар ишқ кўнгилни поклайди, дейдилар, товба кўнгилни гуноҳдан фориг қилади, гуноҳ кўнгил ойнаси ғубори, фориглик уни равшанлаштиради. Тасаввуф орифларидан Фаридуддин Аттор сўфийликнинг илк тимсолиға келтирган уч ҳикояти машҳурдир. Мана улардан бири:

Кунлардан бирида Робиядан сўрашди:
— Сенинг шайтон билан алоқанг борми? — деб.

— Йўқ, — деб жавоб берди у.

— Нега? — дейишди улар.

— Менинг қалбимда жой йўқки, шайтонга нафрат, ё рағбат уйғонса, у ёлғиз Оллоҳға бўлган муҳаббат билан тўла-ку!

Халқимизда: инсоннинг бир елкасида раҳмон, бирисида шайтон ўтиради, қабилида нақл бор. Қалбда эзгулик уйғотувчи раҳмон, ёвузлик уйғотувчи эса шайтондир. Инсоннинг ботиний оламида эзгулик билан ёвузлик курашиб яшайди. Робиянинг жавоби эзгуликнинг ёвузлик устидан тўлақонли ғалабасидир. Содда қилиб айтганда, қалбда кин, ҳасад, кибр, Оллоҳнинг мўъжизасига ишонмаслик ва шу каби иллатларнинг тепасида шайтон туради. Иллатли қалб Оллоҳ йўлиға киролмайди. ИШҚ эса қалбни барча иллатдан покловчи, унинг Оллоҳ йўлиға келтирган имони ҳам покиза ва бутдир.

Ишқни биз икки мақомға ажратдик, яъни бақо ишқи ва фано ишқиға. Фано ишқи мақомида боқийлик йўқ, бақо ишқи мақомида эса фонилик йўқ. Улар ўртасидаги боғич ришта тордан-да ингичка, тугиб туриш мушкул.

Баъзилар муҳаббатни инсоний ишққа ва илоҳий ишққа ажратадилар, аслида инсоний ишқ илоҳий ишқдир. Чунки, муҳаббатда таъма бўлмайди, фони ишқда бор, муҳаббатда даъво бўлмайди, фони ишқда эса мавжуд. Таъма ва даъво боқий илк йўлини боғловчидир. Икки ёшнинг бир-бириға кўнгил боғлаши ҳали муҳаббат эмас, улар ишқи айрилиқдаги эҳтироснинг ёниши висолдаги эҳтироснинг сўниши билан якун топади. Содда қилиб айтганда таъма ошқунинг мавжуддан лаззат олишга интилиши, даъво эса лаззат олишга имкон бермаётган ёрдан ранжиш, ранж кўнгилда алам уйғотади, алам эса кўнгил ойнасиға ғубор тортади, у инсоний муҳаббат бўлолмайди. Гарчи, боқий ишқнинг ҳам, фони ишқнинг ҳам мақсади висол бўлсада, иккисида висолнинг маънавий озуқа тушунчаси турличадир. Фано ишқи висолда ҳирс бор, ҳирс эса ҳайвоний, бақо ишқи висолда абадият бор, таъма ва даъвосиз ишқ инсоний, яъни илоҳий ва боқий ишқдир.

Инсоннинг ботиний ҳолатидаги илк кечинмалар уни бир қадар умидсизлантиради, гўё у ўзини саҳрода сезади, қаршисида қумзор, узоқда эса саксовулнинг қуруқ шоҳчалари-ю, қумдан чиқиб турган одам калласидек шувоқларнинг нурсиз ва жиявасиз силкинишидан бўлак ҳеч нарса йўқдек, бу ўзини поклаш йўлиға кирган қалб кечинмаси. Қалб фидойи бўлса саҳро сўнггида уни гулзор қарши олади, покланган қалб энди кушлар билан суҳбат қуради, гулларга роз айтади, сувлар жилдирашида ажиб мўъжиза борлигини ҳис этади, турмушнинг майда ва чиркин ташвишларидан қутулиб, инсоний ҳаётга қадам кўради, унинг лаззати фони ишқ лаззатидан минг чандон ҳузурбахш эканлигини сезади.

Бир мутасаввуф шоир айтганидек:

**Фоний ўзинг, боқий ўзинг,
англа ўзингни!
Ҳаёт манзил, илм чирок,
очгил кўзингни!
Боқ оламга, нима кўрдинг,
ўзингдан бўлак!!**

Юсуф ЖУРАЕВ

ТАХРИРИЯТДАН:

Тасаввуф таълимотини ўзликни англаш фалсафаси деймиз. Зеро, ўзликни англаш Оллоҳ берган буюк неъматдир. Бу неъматдан бахраманд бўлиш бахти, афсуски, камдан-кам одамга — Унинг севган бандаларигагина насиб қилади. Ҳар бириимиз Унинг жамолини кўриш иштиёқида яшаймиз. Ҳимизнинг тафаккуримиз, қувваи ҳофизамиз доирасида тасаввуф таълимотини идрок қилишга интиламиз.

Юсуф Жўраевнинг ушбу мақоласини ҳам тоза юракнинг боқий муҳаббат сари интилиши, ўзликни англаш борасида дастлабки ташланган қадамлари, деб қабул қилгасиз.

Аҳмад ЯССАВИЙ

ҲИКМАТ

*Эй дўстларим, ёлсам мен, билмамки ҳолим на бўлур,
Гўрға кириб ётсам мен, билмамки ҳолим на бўлур.
Элтиб лаҳадга қўйсалар, орқага боқмай ёнсалар,
Сўруғ-саволим сўрсалар, билмамки ҳолим на бўлур.
Қурса Қарши отлиқ йилон, чўлганса танга шул замон,
Қолмас бутун бир устихон, билмамки ҳолим на бўлур.
Жумла йиғилиб мўру мор, атрофимда ниш урар,
Мушқул эрур вас қору бор, билмамки ҳолим на бўлур.
Ҳеч келмади мендин савоб, онда на бергумдир жавоб,
Гар қилсалар юз минг азоб, билмамки ҳолим на бўлур.
Бўлса қиёмат кунни, ҳозир бўлур барчалари,
Қилган амалларинг қани, билмамки ҳолим на бўлур.
Эй Қул Аҳмад сен буюк, қилғил ибодат тун-кун,
Демагил умримдур узун, билмамки ҳолим на бўлур.*

ТАБИАТ ФАЛСАФАСИ

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати



ЭР ИЛА ХОТУН

Уйланувдан мақсад бўлган нарса наслини кўпайтирув ила бирла тириклик қилмак ва оиланинг саодати бўлганига кўра эр ила хотун бу хусуси назарга олиб ҳар вақтни яхши ўтказмоққа тиришмақдир. Бунинг учунда, бир-бирига нисбатан ҳар бир вақтда яхши ўртоқ ва гўзал ҳолда бўлувлари лозимдир. Бу тўғрида эр ила хотун орасида энг аввал излана турган нарса муҳаббат учун ихлосдир. Ҳар бир хоним рафиқ ҳаётини комил-ихлос ила суймак ва унга итоату ҳурмат қилмак ва ҳар замон махсус рияда бўлиб, унинг учун қайғуриб, ихлосли йўлдош бўлмақ лозимдир.

Ҳар бир эр рафиқасини шул ҳис ила суюб эрликка мувофиқ, инсониятга лойиқ суваратда унга кўркам муомала кўрсатмақ керакдир. Баъзи уйларда кўринганидек хотунларнинг эрларига бош бўлиб ҳукм этишга киришувлари, уларни бир хизматчи каби хизмат қилдиришга тиришувлари ҳам гуноҳ, ҳам айбдир.

Аёллар ўз эрларига ҳар қачон таъзиму ҳурматда бўлиб, уларга қарши сан-манли сўзлар айтудан сақланиб, сан ўрнига сиз деб сўзламак ва эри чақирган вақтда «бегим» деб юғирмак, бир нарса қилишга буюрган вақтда «бош устига бегим» каби ширин сўзу мутаносиблик ила буюрган юмушини ўтамақ лозимдир.

Бир хотун эрининг муҳаббатига маърур бўлишга ҳақли бўлса ҳам, эрига зимдан қарши эрининг муҳаббатини камайтирувдан ва бора-бора ораларида совуқлик ҳосил бўлувдан бошқа бир фойдаси йўқдир.

Эр ила хотун орасида тубли бир ишонч туйғуси ўрин олиши ва булар ҳеч бир вақт бир-бирини алдамаслиги керак.

ЯНА ЭРЛАР

Эрлар баъзан кўчадаги ишларидан хафа ва қайғули бўлиб уйга қайтадилар. Ул вақтда улар жуда аччиқланган ва илтифотсиз кўринадилар. Унинг бу ҳолини кўриб хотун ҳам ўпкалаши лозим эмас. Жойи ила қайғусининг сабабини сўраб, уни қандай бўлса-да, қўнглини кўтаришга тиришмақ керак. Секин, товушни кўтармай маслаҳат ила тузатув йўлларини билмақ бир хотун учун энг керакли бир ишдир. Бир хоним эрининг тоза кийинувига, кийимларини тоза туттишга тиришмаги, уй ичида унинг роҳати учун лозим бўлган нарсаларнинг ҳар бирини ҳозирламак ила мукаллаф бўлганини унутмаслиги керак. Кечкурун ҳориб-толиб уйига қайтган эр хотунни тарафидан очик юз, ширин сўз ила қарши олинуви лозим. Эр хотунини ва хотун эрини жуда теран ва соф бир муҳаббат ила суймак, ўзларининг ҳолларига кўра бир тан, бир жон каби умр ўтказ-

макни, яхши яшамакни, бир-бирига ҳар қачон ёрдамлашмакни билиб, шу равиш оиланинг бахтли бўлувига тиришмақ лозимдир.

Эрининг айбини ҳеч бир вақт юзига солмай, унинг ҳақида ҳеч кимга зарланмаслик керак.

ТАРБИЯ

Илму ахлоқнинг жони-негизи тарбиядир. Тарбия «рубув» калимасидан иштиқоқ қилинган бўлиб, лугавий маъноси «ўстирмақ, зўрайтирмақ»дир.

Бир дарахт ёш вақтида букилгани каби одамларда жуда ёшлик замонларида тарбия олурга кучлари етадир. Тарбиянинг, хусусан, фикр тарбиясининг белгили таъсир қилуви энг қувватлидир.

Тарбиянинг аввал олинатурган ўрни уйда, оила ичида, яна-да кенг-роқ чашмаси мактаблардир, лекин тарбия энг кўп ота-онасига тегишлидир. Хотунлик буюк бир нарсадирки, болаларни тарбия қилув, кўпроқ бошланғич тарбия уларга топширилгандир. Шундай бўлган, хотунлар тоифасининг яхши тарбия қилинувларлари келажақда энг катта саодатлар туғдирамақдир.

«ОИЛА САБОҚЛАРИ»ДАН

Дераза

БАҚА ОВЧИЛАРИ

Донда бақанинг бозори чаққон. Буни бугунги қийинчиликларга йўйманг. Гап — валютада. Ана шу ташвиш «Донриб-пром»ни бақачилик билан шўғулланишга мажбур қилди. Бироқ бақа балиқ, қисқичбаларга нисбатан айёрроқ бўлар экан. Бақачи Юрий Маскалёвнинг иккунчи бошида бақа ови мўл бўлган бўлса-да, бир ойдан сўнг ярим челақ ҳам тутиб бўлмади қолди: бақалар қочиб кетяпти. Лекин казаклар бўш келишмоқчи эмас. «Франсиядан технология келтирэмиз, бақачиликни кенг йўлга қўйиб юборамиз», дейишмоқда улар.

ИТ — БАРИБИР ИТ

Уфада фожеа рўй берди. Неваралар бувисиникига келганда уй кўриқчиси — ит уларга индамади. Аксига олиб буви уйда йўқ экан. Болалар изларига қайтаётган эди, ит улардан бири — уч яшар болага ташланиб кўлини тишлаб олди. Қон таъмини сезиб, уни ерга элаб ташлади ва бугизга ёпишди. Болалар ёрдам чақиршгунча, ит болани ўнгмайдиған қилиб талаб ташлади. Тиббиёт ожизлик қилди.

Аянчли воқеа. Шу боисдан ҳам ит барибир итлигини қилишини унутманг.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Канадаликлар дунёдаги биринчи «деярли чекмайдиган миллат» бўлиши мумкин. Буни Геллап институти ўтказган сўров натижалари ҳам тасдиқламоқда. «Кейинги ҳафта мобайнида чекдингизми», деган саволга бор-йўғи 29 фоиз сўров иштирокчиларигина ҳа деб жавоб беришди.

Шундай қилиб сигарет чекиш, канадаликлар ҳаётидан аста-секин йўқолиб бормоқда. Маълумотларга қараганда бошқа мамлакатларда ҳам чекиш камаймоқда. Дўконларимизни хориж сигаретлари босиб кетганлигининг боиси ҳам, афтидан, — шу бўлса керак.

ҲАР УЧТАДАН БИР КИШИ

Австрияликларнинг ҳар учтасидан биттасининг келаётган минг йилликда табиий ҳалокат ва офатлар натижасида «охир замон» бўлишига ишончи комил. Линца шаҳридаги «Маркет» ижтимоий тадқиқотлар институти экспертлари сўров натижалари асосида шундай хулосага келишди. 34 фоиз киши диний китоблардаги башоратлар тўғрисида шундай фикрда экан. 59 фоиз аҳоли радиактив зарарланиш, 59 фоиз аҳоли эса жакон ядро ҳалокати хавфи остида яшаётган экан.

Маъбуот хабарлари асосида тайёрланди



БУЙРУҚ—ДАРВОЗА ЁПИЛМАСИН!

С. МАҲҚАМОВ сурати

Табриклаймиз!

ДАДАЖОНИМ АБДУМУТАЛ!
Муборак 50 ёшингиз қутлуғ бўлсин. Сизга ой каби чарогон ҳаёт, бекам ва беинтиҳо саодатлик умр тилаймиз. Қизингиз **ГУЛНОРА**. Жалолқудуқ.

Оила

29 ЕШДА

Ҳали турмуш қурмаган, оқила, ўқитувчи бўлиб ишлаётган ўзбек қизи 30—35 ёшлардаги ҳалол, диёнатли йигит билан тақдирини боғламоқчи. Тошкент шаҳри ёки шаҳар отрофидаги туманлар-

дан бўлса янада яхши. «Оила-215».

32 ЕШДА

Сурхондарёлик қўли гул, олий маълумотли мўмин йигит вафодор, озода, гўзал қизни излайди. «Оила-216»

57 ЕШДА

Бухороликман. 4 нафар фарзандим бор ҳаммаси ўйли-жойли бўлиб тиниб-тиниб кетган. 5 йилдан буён аёлсизман. Аёлим вафот этган. Еши 50-55 лардаги ўзбек ёки тожик аёли бўлса қолган умримни бирга ўтказасан дейман. Шахсий уй-жойим, 6 сотих томорқам бор. «Оила-217».

55 ЕШДА

Фарғоналикман. Турмуш ўртоғим вафот этган. 7 нафар фарзандим бор. Ҳамма-

си ўйли-жойли. Шахсий автомашинам бор. Шароитим етарли.

Қолган умримни меҳрибон, ҳушмуомала, вафодор аёл билан бирга ўтказсам дейман. «Оила-218»

29 ЕШДА

Уйланганман, икки болам бор. Камчилигим йўқ. Фақатгина вафодор дўстга муҳтожман. Оилада ёлғиз ўғилман. Айниқса, тўй-маъракаларда ёлғизлигинг билинар экан. Яқинда бир рўзномада «Сохта эгизаклар» деган мақолани ўқиб қолдим. Мақолада ёзилишича, бир-бирига ўхшаш кишилар жуда кўп экан. Америкада эса шундай жамият бўлиб, бу жамият ёрдамида кўплаб кишилар бир-бири билан оғанини тутинишар экан.

Шунингдек, мен ҳам ака-укага, дўстга интизорман. Улар учун доимо қалбим, уйимнинг тури очик. Мақтубларингизни кутаман. «Оила-219».

28 ЕШДА

Чинозлик. Ажрашган. Касби шифокор, истафали гўзал аёл тушуинган, ўз оиласи учун меҳрибон, вафодор, олий маълумотли, уй-жойи бўлган эркакка турмушга чиқмоқчи. «Оила-220».

27 ЕШДА

Фарғоналик, олий маълумотли турмуш қурмаган хоним, санъат, адабиётни тушунадиган, ўйим-жойим дейдиган, тўғрисида, ҳушмуомала йигит билан танишмоқчи. Фарғона вилоятинда бўлса

яна ҳам яхши. Хатларингизни кутади. «Оила-221».

70 ЕШДА

Жисмоний бақувват, шахсий уй-жой, 30 бош қўйга эга қашқадарёлик отахон 50-65 ёш атрофида бўлган аёл билан турмуш қуришни истади. Миллати фарқ қилмайди. [Қашқадарёлик бўлса яна ҳам яхши]. «Оила-222».

Табрик эълонинг ҳар бир белгиси (ҳарфи) 2 сўм. Битта расм (6×9 см. ҳажмида бўлиши шарт) 500 сўм. Табрикарлар бир ой мўддат ичида чиқарилади. Табрик ва эълонлар 10 кун мўддат ичида чоп этилса 2 баробар ҳақ олишади.

Танишув эълонинг баҳоси 200 сўм.

«Оиладан ажралганимга роппароса мана бир йил бўлди. Раҳматлик кўп меҳрибон, муслима, фаршита аёл эди. Беш фарзандимиз бор. Ҳаммаси уйли-жойли, ўзидан тинган. Фарзандлар-ку ўз кунини кўраркан, лекин кексайганинда бир яқин ҳамроҳинг бўлмаса ёмон экан. Ана шу бир йил орасида ёлғизлик азоби ниҳоятда мени эзиб қўйди. Хаёлим наришон, тез-тез жаҳлим чиқиб, юрагим сиқилади. Тунлари ухлолмайман. Ҳар хил бўлмағур хаёллар келаверади... Гоҳида ўзимни-ўзим бирор нарса қилиб қўймасам эйрсади, деб қўрқиб кетаман.

Заифлигимга бориб, барибир кўп нарсаларга оғизлик қилаётганимни ёлғиз унга айтиб-айтиб йиғлайман. Тўлғониб-тўлғониб қора тунларни оттираман. Менга шундай туюладими ё ўзим шундайми, гўё ҳаммадан нигоҳи менга қадалгандек, одамлардан ҳадиксираб, чўчиб яшайман. Қанчалик қийналмай ўзимни-ўзим юпатаман: «Эй, Худо, шарманда қилма, гўдакларим ҳурмати ўз паноҳинида асра» дея қайта-қайта илтижо қиламан. Ёлғизликка кўнимомай жоним ҳалак. Кўнникандим ҳам. Лекин тунов кунги воқеадан сўнг дар-

айтдим.

Бу ҳақ етмагандай, бир кунги тўсатдан шихонада бошлиғимиз мени йўқладим. Гўё ҳамма гандан хабардордай менга очик-ойдин унга ишонган ҳолда сўзлашимни сўради. Қўтилмаган бу сўхбатдан гангиб, не дейишимни билмай қолдим. Уни жамоада ҳаммамиз ҳурмат қилардик. Табиатан чўрткесар, дард киши эди. «Кўнам дардингни ичинга солма, соғлигиндан айрилмасан. Болаларини йўла. Менинг ҳам бошимдан ўтган бу кунлар. Дунёдан тўйиб, ўлгудек ичкиликка берилиб кетдим. Кейин, эйрга ўзимни қўлга

совутиб-музлатиб ташлаганди. Бироқ... Саидали ака мени ўз никоҳида олмақчи. Бундан хотиниям хабардор. Шунинг учунми бошлиғимизнинг ўзига ҳам хотинига ҳам улардаги бағрикенгликка ҳам ҳурматим ошди. Тан олишим керак, улар мени ҳаётга қайтарди. Кўнелимда уларга нисбатан самимий меҳр жўшурди.

Кийин, Баъзан кўнглингга қарши иш қилишга мажбур бўларқансан. Саидали аканинг ва аёлининг бахтини бўлаклар ташлагим келмади. Ишдан бўшаб кетдим... Эракк учун аёлсиз яшаш қанчалик азоб бўлса, аёл учун эраккисиз яшаш ундан икки баробар оғирлигини тушуниб етдим. Ҳаётинида фақатгина турмуш ўртоқ

эмас ёки бўлмаса бир дардкаш, сирдошинга боғланиб яшаш кераклигини англадим, қийналдим. Аммо, кечидим... Лекин аёл эраккисиз яшай олармикин? Баъзан сиқилган пайтларимда энди тез-тез қишлоқдаги Соат опани

эслаб соғинаман. Бешта болани ёлғиз ўзи катта қилди. Соат она ўзига ишонарди. Шу боисми, ҳеч ким оғиз

солалмас, гап-сўз ҳам қилмасди. Бироқ Саидали аканинг охириг сўзларни қулоғим остида ҳамон жерангаляйди: «Дилдора, ёлғиз яшаш қийин».

Инсон зоти турли фожиалар ва бахтсизликлар гирдобидан ҳали ҳеч қачон тўлалигича ҳоли бўлгани йўқ. Ва айнан мана шундай фожойи қисматларга ул зот ўзи билиб-билмай замин яратиб қўядики, охир-оқибат адашиш ва залолат томон юз буради.

Бирор нарса йўқки, Оллоҳ таоло томонидан жуфт қилиб яратилмаган бўлсин. Ёлғизликини ҳар қандай фожиа ва аламлар дебодаси дейиш мумкин.

Таҳририятимизга ёлғизлик азоби туфайли соғлиғидан, ўтмишино келажигидан айрилган инсонлар келиб туришди. Ва айримлари тан олишадикки, ҳамдамсиз, ҳамдардсиз яшаш ўлим.

Дилдора энди қайси йўлни танлабди, ўзига ҳавола. Бироқ мен ҳам Саидали аканинг фикрига қўшилман. «Дунёда ёлғиз яшаш қийин».

ДИЛБАР

ЭРКАК МАРД ВА МҮРТ БҮЛАДИ

Болаларимнинг ҳам жонига тегдим, шекилли, ҳаммаси менадан ўзини олиб қоча бошлашди, мен билан турадиган кенжам ҳам алоҳида ҳовли қилиб, чиқиб кетди. Ешим 59 да. Нолисам гуноҳ бўлади, тўғри, фарзандларим бир-икки марта «ота, уйланинг» ҳам дейишди-ю, аммо чин дилдан ҳаракат қилишмади. Ўзимга оғир. Кани энди ғариб кўнглимни кўтара оладиган дилкаш бир аёл — айлодиш топилса бутун бойлигим, уй-жойимни ҳам унга ўтказиб берардим. Фақатгина менадан ширин сўзини, илқ қалбини аямаса бўлгани. Умримнинг охиригача уни ардоқлайман...

Қаранг-а, бир қайғуқим беихтиёр таъсирланиб кетдим. Негаки эркекни ҳеч тоқ қолдирмасин, ҳеч кимсага муҳтож қилмасин экан. У бой бўлсин, ҳар нарсага тўқис бўлсин лекин аёли бўлмаса у ҳаёт — ҳаёт эмас. Эракк аёлгагина тиз чўқади, унинг тафтини, дардини ёлғиз аёлгагина олади. Аёли-чи!..

Мана бир йил бўлди, ёстиқдошим, бахтим, тахтимдан айрилиб қолдим. Эндигина ҳаёт нақадар ширинлигини тушуниб етган чоғимда бешафқат ўлим уни бағримдан юлиб кетди. Тўрт гўдагим етим бўлди.

Билсангиз, ҳис қилсангиз ёлғизликнинг ўзи ҳақиқий ўлим экан. Эримнинг расм-русумларини ўтказиб, яқин-йироқлар уй-уйига кетишди. У ўлган эмас, назаримда тирик. Болаларим оғриси, ёки оғринса ўша кунлик безовта бўлиб тушимга киради. Сассиз-содасиз нигоҳлари билан сўзлайди.

дим ичимда. Ҳеч кимга айтолмай, ўзимни-ўзим еб қўйдим. Ота-онамга ҳам айтолмайман. Куйган жонларини куйдира олмайман.

Эримнинг маъракаларига бош-қош бўлиб юрган яқин ўртоғи Баҳриддин келмай қўйганди. Кутилмаганда тунов кунги кеч соат 11 ларда маст ҳолда кириб келиб дил изздорини айтганидан бери нафратланиб кетдим. Эракклар ҳаммаси шу. Хаёлларига келган ишни қилади. Хоҳ у ҳақ бўлсин, хоҳ ноҳақ бўлсин, улар ҳеч нарсадан қўрқмайдилар. Хатто Худодан ҳам. «Бунақа юрманг Дилдора, ҳали ёшсиз. Абдуқодир билан биз иноқ дўст эдик, болаларни қийнамаган. Мана бу майда-чуйдаларни олинг. Мен... Роза бўлсангиз, сизни қийнаб қўймайман. Болаларга ҳам ёрдамлашаман. Фақат биров сезмасин, ҳеч ким йўқ пайтлари...» Тилганимг узилиб кетгур бу сўзларни қандай айтди, билмадим, бу одамнинг оғзидан чиққан аҳмоқона сўзлар ва бадбўй ароқ зидини ҳали-ҳануз эсласам кўнглим алланечук бўлиб кетади.

Кунлар ўтаверди. Аввалига ўша кун у маст эди, билмагандир, деб эътибор қилмадим. Йўқ, яна кетма-кет сим қоқиб ўйлаб кўрган-қўрмаганимни суриштирарди. Сиқилиб кетдим. Кўзларимдан ўқинч ишлари қуюлиб келаверади. Яна бир кун сим қоқди. Яхши гап билан ҳам, ёмон гап билан ҳам мен икки дунёда ундай қила олмаслигим, унинг гулдай хотини ва олти боласининг уволи тутишини

олганман. Сен ҳам менга ишон»,— деди раҳми келгандек. Аввал тўғриликча, ачинганидан айтаётгандир, деб ўйлаб, ўзимча тўлиб кетган юрагимни оқдим, ҳасратларимни тўқдим. Сўнгера у кишининг ёрдами билан бошқа ёққа чиқиб кетдим. Телефондаги ўша юзсиз Баҳриддиндан қутулиб бироз ўзимга ҳам келиб қолдим.

Бошлиғимиз шундан кейин бепарво, ора-сирра шихонада учратиб қолса, бир нафас ҳол-аҳвол сўрар, лекин қаерга кўчганим билан ҳам қизиқмас, «тинчмисизлар» деб аҳвол сўраб қўярди. Олаётган биргина маошим эса ҳеч нарсага етмас, яшашим кун сайин оғирлашарди. Саидали ака буни биларди. Шунинг учун бўлса керак, яна бир кун қабулуса чақириб, жамоамиз комидан қўлимга ёрдам пули тутқазди. Ололмадим. Виждонгинам қийналиб кетди. Муҳтож эдим, аммо пул жамоаникими ё уникими бу наме қоронғу эди. «Нега олмайсан» деганида тилимга келгани: «Мени қийнамаган. Болаларимни ҳеч кимга муҳтож қилмайман, деб сўз берганман» дедиму чиқиб кетдим. Шу-шу унга кўрнмай четлаб юрадиган бўлиб қолдим. Лекин тўғриси, ичимда унга нисбатан қандандир илиқ меҳр пайдо бўлганди. Уни четдан кузатиб хаёллар суришни ёқтирадим. Гўё биз учрашиб қолса ана шу ишончли маҳзун хаёлларимдан ажралиб қолшдан қўрқардим. Чунки ўша телефондаги Баҳриддин «эримнинг жондан азиз ўртоғи» мени тамомла ҳаётдан, эракклардан

АКС-САДО

АХИР ОИЛА БУЗИЛЯПТИ

(1993 йил, май, 19-сон)
«Яраштириш осонми ё ажратиш?» номи билан чоп этилган газетингиздаги мақолани ўқиб оддий муштарий назари билан ўз муносабатимни баён этиш фикри туғилди. Балки менинг мулоҳазаларим адлия ходимаси М. Ҳошимова фикрига тўғри келмас. Лекин нима бўлганда ҳам бетараф қолмаган маъқул.

Авалло, қонун хусусида бир фикр: «Қонун барча учун баробар» деган ақида мавжуд. Буни кўп эшитганимиз. Лекин ҳеч ўйлаб кўрганмиз-сиз, қонун учун барча баробармикан? Кўпинча ажралиш ҳолларида эракк киши суддан бошини эгиб чиқиб кетади. У ҳам маънавий, ҳам моддий зарба еydi. Оилавий ажралиш, қонун тили билан айтганда, никоҳни бекор қилиш ҳақида ариза тўғри судга ёзилиб, савол-жавоблар фақат суд вақтида ўтказилади. Суд жараёнида гўдак руҳияти умуман ҳисобга олин-

майди. Оила бузиляпти, тирик етимлар кўпаяпти... Ота бу ҳақда судни оғохлантирса, жавоб битта: «Сиз оталик ҳуқуқидан маҳрум этилгансиз, истаган вақтингизда уни кўриб туришингиз мумкин.» Ҳўш, қандай ва қай шароитда? Ўзини одил суд ва маҳалла-кўй олдида ҳақоратлаган аёл оstonасига бош уриб борибми? Еки ўғрига ўхшаб боғча, мактабга бекиниб борибми? Афсуски, бунга на қонун на мажмуаларда жавоб йўқ. Мен истардимки гар онада айб бўлса онани, отада бўлса отани бутунлай болаларни кўришдан маҳрум этмоқ керак. Чунки айбдор ота ёки она ажрашгандан сўнг бола кўрмоқ бўлгани бу фақат ўзини овутишдир. Гўдакларнинг эса сингган кўнгилларини яна синдириш...

Сўхбатда алимент ҳақида ҳам фикр билдирилибди. Бироқ бола руҳияти, оилани сақлаб қолиш борасидаги айтилган фикрлар жуда саёз.

Алиментни оширишдан аввал никоҳни бекор қилишнинг тўб сабабларини ўрганиш ҳақида мулоҳаза айтиш ўринли бўларди. Никоҳни бекор қилиш ишлари маҳалла-кўй ўртасида ҳал қилиниши, сайёр судлар ўтказилиши тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш вақти етди. Ажралиш халқ судига етдими, унда қаттиқ жазо-тадбирлар кўрилиш лозим.

«Яраштириш осонми ё ажратиш?»ни ўқиб бўлиб, анча хаёлга толдим. Хаёлларим эса мисраларга айланиб, қозоғга кўчди. Ушбуни ҳулоса ўрнида келтирмоқчиман:

Қаро булутлардан чодра ёпиниб
Умид ҳам, ишонч ҳам тарк этди буткул.
Фарзандлар талпиниб, ота сониниб —
Ҳар кун маъюсгина қараб кўяр йўл!..

Дулмурад САЙИИД,
Тошкент шаҳри



— ОҲ, УЙҚУ БИРАМ ШИРИН

Даврон АҲМАД сурати

Спорт оламида

ХОТИН РОЗИ БЎЛМАДИ

Голландиялик дунёга машҳур футболчи, Италиянинг «Милан» клуби ҳужумчиси Рууд Гуллит Германиянинг «Бавария» жамоаси билан шартнома тузиб 1994 йилдан эътиборан Бундеслигада тўп суришни ниёт қилганди. Бироқ унинг омади келмади. Сабаби Рууднинг хотини немис юртига кўчиб боришдан бутунлай бош тортиди. Шундай бўлсада Гуллит барибир Италияни тарк этишга қарор қилди. Янаги мавсумда унинг қайси мамлакатда яшиш майдонга тушиши ҳозирча хотинига ҳам номаълум.

ЭРКАТОЙ-ДА!

«Юлдуз» Диего Армандо Марадона бундан анча олдин журналистлар билан бўлган суҳбатда яқин кунлар ичида катта футболни бутунлай тарк этишини баён қилганди. Шу йилнинг 6 июлида эса илгарий фикрларидан бутунлай воз кечганини таъкидлади. Ҳамда кўнгли тусаб қолса ватани Аргентинага жўнаб кетиши, қадрдон жамоаси «Аргентина хуниорс» сафига қўшилишини ҳам эҳтимолдан ҳоли эмаслигини билдирди. Бундан 2 ой олдин Диего Туркия ёки Японияга кетаман деб ваъда берганди.

«СИЧҚОН» СИҒДИ ИНИГА...

Англиялик 50 ёшли Том МакНаллинг номи яна бир марта дунё бўйлаб шов-шувга сабаб бўлди. У бўйи 177 см бўлишига қарамадан ўзи ясаган 160 см баландликдаги махсус қайиқда Атлантик океанидан сузиб ўтди. Тома шубу орзусига эришиш учун 135 кун ортиги билан етди. У 1994, 1992 йилларда ҳам худди шундай сафарга бел боғлаганди, аммо катта муваффақиятга эришолмаганди.

АЛКАШЛАР ҲАМ ХОККЕЙ УЙНАЙДИ

Океан орти Миллий Хоккей Лигасининг энг кучли ҳимоячиси, Москва «Динамо»сининг собиқ аъзоси Дарюс Каспарайтиснинг иши судга оширилади. Унга қўйилган айб шуки, Дарюс маст ҳолда машина бошқариб, маҳаллий полициянинг «Тўхта!» деган шорасини менсимай ўтиб кетган.

Шарҳни Нормурод МУСОМОВ тайёрлади


— Шухратбек ака, болалигингизда катта ташкилотга раҳбар бўлиш ҳақида ўйлаганимиз!

— Дадам раҳматли катта лавозимларда ишлаган, эл ичра ҳурматли одам бўлган. Албатта мен ҳам у кишига муносиб фарзанд бўлиш ҳақида ўйлаганман, орзу қилганман.

— Ота-онангиз, эшитишимча, жуда пиру бадавлат эканлар!

— Отам Ғанихон Зайнобутдинов 1973 йили вафот қилганлар. Юқорида айтганимдек, у киши жуда ҳурмат топган, маъсул лавозимларда ишлаган одам эдилар. Шўро тўзумига астойдил ишонганлар, ўзлари коммунист эдилар. Дилдорлики ёмон кўрадилар. Дутор чертиб, тузуккина қўшиқ ҳам айтардилар. Бу у кишига ота мерос бўлиб, бобомиз ҳам муслиқнинг чинакам ишқибози бўлган эканлар. Яна отамиз ҳазил-мутойибага уста, хушчақчақ, серульфат одам эдилар. У кишининг вафоти бизларга жуда билинган. Уч ака-ука ўқишда ўқир эдик, айрилик азобидан ташқари моддий жиҳатдан ҳам қийналганмиз.

Онамиз — Робияхон Зайнобутдинова ҳозир 67 ёшдалар, барчамиз



У киши Андижон Трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига раҳбар бўлиб ишга келиши арафасида, яъни 1992 йилнинг май ойида корхонада иш ташлашлар давом этарди. Ишчиларнинг ҳафталаб ишламаган кунлари ҳам бўлган. Бу албатта Шухратбек акани бироз чўчитди, чунки у аввалги иш жойида кўп ишлар меҳнат қилиб, ҳурмат топиб, тинчгина ишлаётганда. Аммо вилоят раҳбарларининг қистови билан шу жойга ишга ўтди. Унинг бу корхонада дастлаб қилган ишларидан бири, бирлашманинг иқтисодий аҳоли мушқўллигига қарамай, ишчиларнинг иш ҳақларини ошириши бўлди. Кейин эса аста-секин ишлар юришиб кетди. Мана, бир йилдан зиёдроқ вақт мобайнида корхона иқтисодий жиҳатдан анча юксалди, одамлар эса мамнун. Чунки бу ерда иш ҳақи миқдори бошқа жойларникидан анча баланд.

Сизга суҳбатни ҳавола қилишдан олдин Андижон Трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Шухратбек Зайнобутдиновнинг бир гапини айтиб ўтмоқчиман:

— Менга қолса, ҳар бир янги фарзанд кўрган аёлнинг ўртача иш ҳақини бериб, боласи етти ёшга тўлгунча ишга чиқишига руҳсат бермасдим. Чунки миллатимизнинг келажиги соғлом авлодимизга боғлиқ. Ҳозирча бунга имконимиз йўқ. Худо хоҳласа, албатта бунга амалга оширамиз.

Бунақа гапни ҳар ким ҳам айтавермайди.

ШУХРАТБЕК ЗАЙНОБУТДИНОВ:

ЎЗБЕКЛАРГА ЁЛҒОН ГАП ЯРАШМАЙДИ

нинг яхши-ёмонимиздан, таъбир жоиз бўлса, иссиқ-совуғимиздан хабардорлар. Утган йили ҳаж сафарига бориб келдилар.

Ота-онанимизни пиру бадавлат деганингиз тўғри, чунки оилада етти ўғил ва уч қизимиз.

— Уларнинг сизга берган тарбиясидаги қайси жиҳатларни кўпроқ эслайсиз!

— Отам раҳматли кўпчиликнинг дуосини ол, дея кўп уқтирарди. Одамлар сендан кейин ҳам фақат яхшилигини эслашсин дердилар. Кейингина сақламлиқни ўргатардилар, чунки ўзи ҳам ўшанақа эди, ҳар қанча уришса ҳам сал ўтиб унутарди.

— Бирлашмангизда иш чарчатаймизми!

— Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлардан толиққан баъзи бир кишилар СССРнинг тикланишини жуда-жуда исташади. Гўё СССР тикланиши билан қийинчиликлар барҳам топадигандек. Бу бўлмаган гап. СССР қайтиб тикланмайди. Энди фақат ўзимизга суянишимиз лозим.

Фармон бажарилсагина у кучли бўлади. Бу борада биз корхона раҳбарлари, умуман ҳар бир раҳбар давлатимизнинг кўмакчилари бўлишимиз керак. Ҳақиқатан ҳам биз ижрочилармиз. Лекин бу мураккаб, чигал масалалардан ўзини олиб қочиш дегани эмас. Аксинча, биз уларни мустақил ҳал этишга кўникишимиз, шахсий масъулиятни зиммамизга олишимиз зарур.

Ҳаётимизда бозор муносабатлари тўла қарор топиши учун ҳали йиллар керак.Хушомадга йўлмангу шу ўринда бир нарсани айтмоқчиман: Раҳбаримиз Уктам ака Исмоилов ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўп ишлар қияпти. Ўзи тинмай ишлагани учун бизни ҳам тиндирмайди. Ҳар чоракда битта ижобий ўзгариш қилмасдан туролмайди.

Корхонамизда маҳсулот тури ва сифатини тубдан ўзгартирялмиз. Бозор шароитида рақобатни инобатга олмасликка ҳақимиз йўқ. Бирлашмамиз асосан ички кийимлар тайёрлайди. Уларнинг бичим ва фасонларини ўзгартирюшга ҳам алоҳида эътибор берялмиз. Шунингдек, устки кийимлар тайёрлашга ҳам ўтмоқдамиз.

— Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш мушкул бўлса керак!

— Албатта, лекин имконимиз борица ҳаракат қиялпимиз. Корхонамизда олти соатлик иш вақтини жорий қилганмиз. Бизда асосан аёллар ишлашини ҳисобга олсак, бу тадбир катта аҳамиятга эга. Аввало оила тинч, саранжом бўлади, қолаверса, аёлларимиз учун бола тарбияси билан шуғулланишга ҳам қўлай имконият туғилади. Бундан ташқари тушлик овқатларини ҳам бепул қилганмиз.

Утган йили 105 киши уй олиш учун навбатда турарди. Бу йилга келиб бу рақамни қисқартирдик, аммо яна талаб кўпаймоқда. Қолган ишчиларимиз учун шаҳар ҳокимлиги, 161-қурилиш трести, саноат қурилиш банки кўмағида уй қуриб битказмоқдамиз. Кўпгина одамларимизнинг уйини хусусийлаштириб бердик.

Шунингдек, тўй-маъракалар учун ишчиларимизга маълум миқдорда моддий ёрдамлар берамиз. Меҳнат таътилига бериладиган иш ҳақларига ҳам қўшимча пуллар жорий қилганмиз. Ишчиларимизнинг турли жойларда дам олишлари, даволанишлари ҳам бепул қилинган. Болалар боғчаларида ишчиларимизнинг фарзандлари қарийб бепул тарбияланадилар. Уқувчиларнинг ёзги дам олишлари учун ажратиладиган харажатлар пули ҳам кўпайтирилган. Хуллас, имконимиз борица ўрганяпмиз. Кечирасиз, жуда мақтаниб юбормадимми!

— Бирлашмангизнинг чет эллар билан алоқаси қандай!

— Утган йилнинг ноябрида Хитой Халқ Республикаси Цинзян автоном туманининг «Цинзян» кийим компанияси билан шартнома туздик. Мақсадимиз — Бирлашмамизда чиқариладиган маҳсулотларни у ерда сотиш, уларнинг маҳсулотларини эса бизларнинг истеъмолчиларга етказиш. Бу борадаги ишлар қизғин давом этапти.

Яқинда Канаданинг «Кан-Американ» компанияси билан ҳам шартнома туздик. Шу йилнинг 1 августидан бошлаб икки миллион дона маҳсулотимиз валюта ҳисобида ўша ерда сотилади. Узингизга маълум, замонавий техник жиҳозлар сотиб олиш учун ҳозир валюта жуда ҳам зарур.

— Баъзан ишингизни бор-е, деб ташлаб кетгиниз ҳам келади!

— Бунақа пайтлар ҳам бўлади. Аммо, агар корхонани кема деб олсак, раҳбар унинг капитани. Ҳаёт атал-

миш уммондан кеманинг соғ-омон манзилга етиши учун уммон тинч бўлиши керак. Бизнинг ишда уммоннинг тинчлиги асосан капитанга боғлиқ. Агар капитан тушкунликка тушса, эсанкираса, кема ҳалокатга учраши мумкин. Шунинг учун иложи борица тушкунликка тушмасликка интиламан. Жуда сиқилсам, сеҳларни айланаман, ҳар ҳолда чалғийди-да одам.

— Тушкунликка тушганда кўпроқ кимларга суянасиз!

— Ёлғиз Худога, ундан бошқаси ҳамдард бўлиши мумкин, холос.

— Онлангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз!

— Аёлим врач, ҳозир оналик таътилида. Беш қизим бор, учтаси мактабда ўқийди, иккитаси болчада. Менинг барча ютуқларимда оиланинг, асосан аёлимнинг ҳиссаси бор. Мен ундан мамнунман.

— Болаларингизнинг ким бўлишларини истайсиз!

— Аввало яхши инсонлар бўлишсин. Қиз тарбиялаш жуда мушкул, шунинг учун уларнинг ҳақиқий ўзбек аёли, яхши она бўлишларини жуда-жуда истайман. Токи мендан кейин ҳам номимга доғ туширишмасин.

— Бўш пайтларингизни қандай ўтказасиз!

— Менда бўш вақтнинг ўзи йўқ. Дам олиш кунлари ҳам корхонанинг ташвишлари билан бўламан. Агар имкон туғилса, газета, китоб ўқийман, айниқса, мусиқа тинглашни жуда яхши кўраман...

— Меҳнат таътиллариңизни қарерларда ўтказасиз!

— Очиги, икки-уч йилда бир марта дам олиш аранг nasib этади. Ҳозирча дам олиш ҳақида ўйлаганим йўқ, чунки Бирлашмага ишга ўтганимга энди бир йил бўлди, иш кўп.

— Сўнгги саволим: она Ўзбекистоннинг келажигига қандай қарайсиз!

— Шундай меҳнатқаш халқи, моддий ва маънавий бойликлари мўл бўлган Ватанинг буюк бўлмасликка ҳаққи йўқ.

Н. ЖАЛОЛОВ суҳбатлашди



дим. Лекин ойим актёр бўлишимга қарши эдилар. Актёрлик аёл учун, айниқса, шарқ аёли учун жуда оғир касб, дердилар.

— Шу гап тўғри эканми!

— Ҳа, тўғри экан. Мен ҳам қизимни актёрликка қўймадим. Нигора ҳозир дорилфунуннинг роман-герман факултетига тахсил олмоқда. Инглиз тили мутахассиси бўлади. Мен учун дунёда иккита энг муҳим нарса бор: қизим ва касбим. Бечора қизимнинг болалиги ҳам менинг болалигим син-

— Театр актёри ҳамisha эҳтиросли, қиёфадор, овози баланд бўлиши керак. У шундай гапириши керакки, залнинг охиридагилар ҳам овозини эшитсин. Театр актёри учун овоз, ҳаракатлар ва шулардаги жўшқинлик катта аҳамиятга эга. У, таъбир жоиз бўлса, томошабин билан деярли қуролсиз яккама-якка, юзма-юз бўлади. Кино актёрига эса техника ёрдамга келади. Театр сахнасидаги актёрларнинг бармоқ ҳаракатлари, қиёфасидаги ўзгаришлар залдагиларга сезилмаслиги

рахтимизнинг мевалари кўнглининг ана шу икки кутби ораллиғида тўкилиб қолади. Ҳар қалай, умримиз дарахтининг меваларининг одамлар баҳраманд бўладилар-ку, деган таскин бизни юпатади. Ким билсин, эҳтимол бу ўз-ўзини онгли равишда алдаш, алданишдир. Бу ажримни бандаси қилолмайди. Нима бўлганда ҳам кўнглимизнинг тўғрилигини Оллоҳ қўриб турибди-ку... Менинг бир оёғим доим Андижонда. Аям қари. Уларга кўнглидагидек ёрдам беролмайман. Атроф-

КЎНГИЛДА ЁНГАН ЧИРОҚ

КИНОАКТРИСА ОЙБАРЧИН БАКИРОВА БИЛАН СУҲБАТ

Ишлари юришмаётган, омадсиз одамнинг кўзига дунё бадбин кўринади. Ана шундай рангсиз кунларнинг бирида илгаритдан яхши кўриб юрган «Бой хотин» билан тасодифан учрашиб қолдим. Кўнглимда чироқ ёнди.

— Сиз нимани, кўп, тез-тез соғина-сиз!

— Андижон шевасини, ота-онамининг лутфини. Баъзан ёлғиз қолганларимда уй юмушларини бажарарканман, ўз-ўзимга андижонча гапираман. Андижонни соғинаман. Хизмат сафарларимиз чўзилса, уйни, уйда кўпроқ ўтириб қолсам, сафарларни, саяхатларни соғинаман. Баъзан супургини, идиш-товоқни, баъзан кўчада ёлғиз тентираб юришни, баъзан ёмфирни, баъзан кўлни, баъзан ёлғизликни, баъзан давраларни соғинаман... Баъзан ўн саккиз ёшимни, баъзан болалигимни соғинаман.

— Болалигингизда ойингиздан қиз-қизик эртақлар эшитганмисиз!

— Мактабимиз театрга яқин эди. Дарслардан қочиб, театрга келардим. Отам — Аббос Бакиров, Онам Тамара Бурнашова ҳам театрда хизмат қилишарди. Энди ўйлаб кўрсам, болалигим Андижон вилоят театрининг энг гуркираган, гуллаб-яшнаган даврига тўғри келган экан. Мен ана шу театрда туғилдим. Шу театрда ўсганман. Шу театр дарчасидан қараб дунёни, одамларни танидим. Болалигим гас-ролларида, сахналар ортида, кийим-хоналарида ўтиб кетди, йўлларга, шаҳар-қишлоқларга сочилиб кетди. Мен ота-онам билан бирга театрга боришни яхши кўрардим. Отам ҳам, онам ҳам ўша пайтларда театрининг етакчи артистлари эдилар. Уларга берилган гулларни мен кўтаролмай қолардим. Томошалардан сўнг мухлислар уйимизгача кузатиб қўйишарди. Эрталаблари онамининг кўчага чиқишларини кутиб туришарди. У пайтларда театрга, актёрларнинг оддий ҳаётига ҳамма қизиқарди. Актёр одамлар кўзига сирли, сехрли кўринарди. Театрга қиролмаганлар дарахтларнинг тепасига чиқиб спектакл томоша қилишарди. Бир гал одамлар кўпайгандан-кўпайиб, театрининг катта темир дарвозасини синдириб юборишган... Мен ота-онам сингари обрў-эътиборга эга бўлиш учун эмас, одамларга ота-онам сингари керакли бўлиш учун театрни танла-

гари ўтди. Беш яшарлигида бўйнига калитни осиб, боғчага юборардим. Қизим боғчадан келиб, ўзи калит билан эшикни очиб уйга кирарди. Мен ҳаётимдаги иккинчи энг муҳим нарса — касбимдан ажралолмас, кун бўйи гоҳ репетицияларда, гоҳ дуб-дубда, гоҳ сьёмкаларда юрардим...

— Кутлуг битикларда, иккита бир хил йўл, иккита бир хил амал бўлса, осонини танлангилар, илло заҳматингиз зиёда бўлмағай, дейилган экан. Сиз шу қоидага амал қиласизми!

— Мен ҳамisha йўлнинг ҳам, амалнинг ҳам осон ё қийинини эмас, ўзимга кераклисини танлаганман. Қийноқлар қалбни қайрайди. Актёрларнинг ҳаётида тасодифлар, омадлар, омадсизликлар катта аҳамиятга эга. Баъзида кичкина тасодиф актёр ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборади. Бошқа ўзганга солади. Мен театрда улғайган бўлсам-да, кинога келиб қолдим. Ушанда 1973 йил эди. «Эртага бораман», «Комсомоллар бормоқдалар» филмларида суратга тушдим. Лекин катта муваффақият қозонолмадим. Ушандан кейин кинодан совидим. Бир неча йилгача кинога бормадим. Театрга боролмасдим...

Балки иродасизлик қилгандирман. Лекин кейинчалик бунинг учун афсусланган пайтларим ҳам бўлди. Сўнграқ тушундимки, шахсий ҳаётни ижода, ижодни шахсий ҳаётга аралаштириб бўлмас экан. Ҳозир ҳеч қачон бундай қилмаган бўлардим. Кино — менинг ҳаётимда тасодиф. Қизимни катта қилиш учун маблағ керак эди. Ҳеч жойда ишламасдим. Ишлашим зарур бўлиб қолди. Кинога таклиф қилишди, бордим. Умуман олганда-ку театр сахнасида ҳам ўзимни сынаб кўрганман. Биз кинодан бўш пайтларда «Формани йўқотмаслик» учун киночи актёрларнинг театр-студиясини ташкил қилган эдик. Унга кўп замонлар бўлди. Ҳукумат киноактёрларнинг театр студияси учун маблағ ҳам ажратган эди. Бир неча яхши-яхши спектаклларни сахналаштирдик. Лекин барибир студияни сақлаб қололмадик. Чунки театрдаги режиссёрларимиз бизни сьёмкалардан қайтиб келишларимизни кутиб туришолмасди. Репетицияларда, баъзан спектаклларда ҳам қатнашолмасдик.

— Театр актёри билан кино актёрининг фарқи борми!

мумкин. Кинода эса ана шундай энг кичкина, арзимасдай кўринган нарсалар ҳам катта аҳамият касб этади.

— Касбингиз сизни нималарга ўргатди! Яна қандай касблар орттирдигиз!

— Биринчи марта 18 ёшимда «Ёз ёмғири» филмида суратга тушганман. Эпизодик ролда қатнашган бўлсамда, машина ҳайдашни ўрганишимга тўғри келди. Кейин от минишини ўргандим. Эҳ-ҳе, кино билан боғлиқ га-ройиб воқеалар ҳаётимда кўп бўлган. Киноактёр, умуман, ижодкорлар вужудни эмас, қалбни ишлатадилар. Уларнинг қалби меҳнат қилади, тер тўқади. Бу жуда ҳам оғир, машаққатли иш. «Эртага бораман» филмида отам билан бирга суратга тушганим мен учун ёрқин хотира бўлиб қолди. Отамдан мен жуда кўп нарсаларни ўрганганман. Отам ҳар қуни ишлашга мажбур қилардилар мени.

— «Армон»даги сизнинг армонларингиз — бизнинг ҳам армонимизга. Ҳаётда ҳам бизнинг армонларимизга ўхшаган армонларингиз борми!

— Менинг армоним — Андижон. Биз санъаткорлар ҳамisha икки ўт орасида қовриламиз. Пойтахтдан кетайлик десак, вилоятларда пойтахтдагидек маданий марказлар кам. Пойтахтга келсак, ота-оналаримиз, юртларимиз узокларда қолиб кетади. Умр да-

ларида оға-иниларим, опа-сингилларим бўлса-да, мен барибир қийналанман, эзиламан. Менинг армоним — онамининг ёнларида бўлиш. Тошкентга келишга ўзлари унамайдилар. Тўғриям қиладилар.

— Ойбарчин опа, шундай одамлар бўладими, дўст-ёрлар орасида ҳам ўзларини ёлғиз сезишади. Сиз ўзингизни ёлғиз деб билмайсизми! Ёлғизликдан қийналмайсизми!

— Узимни ёлғиз ҳис қилиш, ёлғиз ҳис қилмаслигим қайғутиямга, ҳолатига боғлиқ. Мен табиятан ёлғизликни яхши кўраман. Ёлғизлик — ижодкор учун сув билан ҳаводек зарур. Санъаткорнинг умр йўлдоши ҳам зарур пайтда ижодкор учун ёлғизлик муҳитини яратиш бера олиши керак. Тақдир экан, ҳаётимнинг маълум қисми ёлғиз кечгандан афсусланмайман. Қизим дадасини, дадаси қизини жуда яхши кўради, қизим ҳамisha бувисининг аҳволдан бохабар. Бувиси ҳам қизимни кўрмаса туролмайдилар. Мен ана шундай оламда яшайман. Буни на ёлғизлик деб бўлади ва на аксинча. Лекин барибир ёлғизликдан кўра яхши ҳамдам яхшироқдир.

Салим АШУР



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕНАЗАР, Дадахон
ЁҚУБОВ, Фарҳад РҶЗИЕВ, Мухаббат ИБОДОВА,
Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом
УСАНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Аб-
думуталиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамаияти, Мубо-
рак туманидаги «Хитой» давлат ўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабри-
каси, Сирдарё «Оқ оятин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаро-
лар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиз-
дан олинган маълумотлар «Оила ва жамяят»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар хиёбони, 1-бино.
Телефон: 39-43-95.

Нормурод МУСОМОВ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш
№ 000080. Буюртма № Г-452. 25.499 нус-
хада чоп этилди. Офсет усулида босилди,
формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.